



ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Саидова Дилфуза Абдифаттоховна

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси

Аннотация. Суғурта тизимини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали суғурта ва суғурта фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор суғурта тизими миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради. Шу муносабат билан, авваламбор, миллий иқтисодиётдаги молиявий хизматлар бозорининг ривожланишига қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш, суғурта соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари ёритиб берилган.

Калит сўлар: суғурта, суғурта тизими, шахсий суғурта, ижтимоий суғурта, суғурта бошқаруви, суғурталанган шахс, суғурта ҳодисаси, суғурталовчи, суғурта пулини, ҳаёт суғуртаси, суғурта мукофоти, суғурта компанияси.

ПУТИ РАЗВИТИЯ СТРАХОВОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Саидова Дилфуза Абдифаттоховна

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. Особое внимание уделяется страхованию и страховой деятельности посредством теоретических исследований страховой системы. Развитие страховых отношений является стратегически важной задачей при осуществлении деятельности современных экономических систем. Устойчивая система страхования способствует развитию национальной экономики. В связи с этим, прежде всего, рассматриваются особенности становления и развития системы страхования наряду с привлечением дополнительных инвестиционных ресурсов для развития рынка финансовых услуг в национальной экономике, развития рыночных отношений в сфере страхования.

Ключевые слова: страхование, страховая система, личное страхование, социальное страхование, управление страхованием, застрахованное лицо, страховой случай, страховщик, страховые деньги, страхование жизни, страховая премия, страховая компания.

WAYS TO DEVELOP AN INSURANCE SYSTEM IN UZBEKISTAN

Saidova Dilfuza Abdifattoxovna

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. Particular attention is paid to insurance and insurance activities through theoretical studies of the insurance system. Development of insurance relations is a strategically important task in the implementation of the activities of modern economic systems. A sustainable insurance system contributes to the development of the national economy. In this regard, first of all, the features of the formation and development of the insurance system are considered, along with attracting additional investment resources for the development of the financial services market in the national economy, and the development of market relations in the insurance sector.

Keywords: insurance, insurance system, personal Insurance, social insurance, insurance management, insured person, insurance event, insurer, insurance money, life insurance, insurance premium, insurance company.

Кириш.

Ўзбекистонда суғурта соҳаси ривожлантириш амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда суғурта соҳасини ривожлантиришда “янги турлардаги суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган” (Фармон, 2017). Шуларни эътиборга олган ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда бир неча вазифалар белгиланиб олинди. Шулардан бири суғурта ва лизинг ҳамда бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш ҳисобланади.

Миллий суғурта бозорининг жадал ривожланишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида, 2022 йил 1 январдан 2025 йил 1 январга қадар ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларининг мазкур фаолияти қисми учун ҳисобланадиган фойда солиғи бўйича белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилди, 2022 йил 1 январдан 2024 йил 1 январга қадар иш берувчи томонидан ўз ходимлари учун бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш ва тиббий суғурта турлари бўйича тузилган суғурта шартномалари асосида Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган маблағлар жисмоний шахсларнинг жами даромади сифатида қаралмайди (Қарор, 2021).

Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутаяди. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқдир. Молия ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида вужудга келадиган мақсадли пул фондларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодаласа, кредит аҳоли, корхона ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча бўш турган маблағларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари йиғиндисидир. Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий ва бошқа ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир.

Суғурта тизими амалга оширилишининг асосий шarti, суғурта хизматларига бўлган талабнинг мавжуд бўлиши ва суғурталовчилар бу талабни қондириш имкониятига эга бўлишлари билан тавсифланади. Суғурта тизимини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда суғурта ва суғурта фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, суғурта жисмоний ва юридик шахсларнинг мулккий манфаатларини ҳимоя қилувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган. Суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор суғурта тизими миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради. Шу муносабат билан, авваламбор, миллий иқтисодиётдаги молиявий хизматлар бозорининг ривожланишига қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш, суғурта соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича методологик тамойилларни аниқлаб олиш зарурати туғилади.

Адабиётлар шарҳи.

Илмий ва иқтисодий адабиётларда суғуртанинг иқтисодий моҳиятини ёритишда турлича ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, Таракуцяк (2003) суғурта тизимини суғурта бозори орқали тадқиқ этади ва унинг мураккаб, кўп омилли, динамик, тегишли тарзда тузилмага эга, очиқ, давлатдаги умумий иқтисодий вазиятга ва сиёсатга боғлиқ тизим эканлигини қайд этади.

Кишиларнинг ўртасида бундай муносабатлар тизимининг пайдо бўлиши унинг бир қатор рисклар билан боғлиқлиги билан изоҳланади, улар бозор муносабатлари субъектларининг хўжалик фаолияти натижаларига зарар етказиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини илмий ёндашувлар ва эконометрик инструментлар ёрдамида таъминлаш, компаниялар самарадорлигини тармоқ ва соҳа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ошириш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда суғурта компаниялари фаолият самарадорлигини мултипликатив коэффициентлар орқали баҳолаш, молиявий барқарорликнинг миқдорий даражасини аниқлаш, молиявий барқарорликни таъминлашнинг халқаро стандартлар ва механизм асосида такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда (Dwijendra, Jalil and other 2022).

Плис (2005) ҳам суғурта тизимини суғурта бозори нуқтаи назаридан кўриб чиқади, уни турли таркибий тузилма бўлимларини қамраб олган, бирламчи бўлими суғурта компанияси бўлган мураккаб интеграцияланган тизим каби таърифлайди. Муаллиф, шунингдек, жаҳон суғурта тизимининг тушунчасини ажратиб кўрсатади, жаҳон суғурта тизимининг ўзига хос хусусиятларини қайд этади.

Суғурта фаолиятини ташкил этиш, суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашга доир масалалар хорижий иқтисодчи олимлар С.Ритчер, Д.Рэш, М.Риккинен, П.Сарлин, А.Шарма, Д.Джади А.Архипов, Н.Петров, Е.Москалева, Л.Трофимова, Л.Цветкова, С.Куликов, Н.Никулина, С.Березина, Ю.Миронкина, Л.Иванова, Н.Аведисян, А.Гудковлар томонидан ўрганилган ва бу тадқиқотларнинг натижалари уларнинг асарлари ва илмий ишларида акс эттирилган (Riikinen, Saarijärvi & other 2018; Архипов, 2016; Петров, 2011).

Базилевич, Базилевичлар (2005) суғурта тизимини суғурта ҳимояси тизимининг мажмуаси, дея таърифлайди.

Александрова (2002) суғурта тизимини суғурта муносабатларининг субъектлари ўртасида жавобгарликни рисклар бўйича тақсимлаш учун суғурталаш усуллари каби таърифлайди.

Жаҳонда XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида глобал иқтисодий тикланишнинг 3 фоиздан юқори бўлиши прогноз қилинмоқда (Абдурахмонов, 2021). Суғурта мукофотлари ўсишининг асосий омили ҳисобланган мазкур глобал иқтисодий тикланишга кўра, “2022 йилда глобал суғурта мукофотлари ҳажми 3,9 фоизга ошиши ёки 7 трлн. долларни ташкил этиши башорат қилинмоқда”⁷⁶. Жаҳон суғурта бозорида кейинги йигирма йил ичида тариф ставкасининг энг кучли ўсиши ҳаёт суғуртасидан ташқари рисклар суғуртаси бўйича мукофот суммаси ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб қолаётганлиги кузатилмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, рискдан ҳимоянинг устувор механизми - суғурта фаолиятининг ривожланиш омили ҳисобланадиган корпоратив бошқарувсамарали ташкил этилишига бўлган талабни кучайтирмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “...миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида...иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш, замонавий молиявий хизматлар, операциялар ва технологияларни ривожлантириш, операцион

⁷⁶ Глобальный рынок страхования в 2021-2022 году. Итоги и прогнозы развития. // <https://forinsurer.com/news/>.

жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш” долзарб масала эканлиги таъкидланган (Фармон, 2022).

Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини теран англаш учун суғуртани иқтисодий категория сифатидаги фундаментал принципларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Суғурта иқтисодий категория сифатида қуйидаги принципларга асосланади: суғурта рискининг мавжудлиги; суғурта муносабатларининг қайта тақсимлаш характериға эғалиги; зарарларни муайян макон ва замонда тақсимланиши; суғурта мукофотларининг қайтарилиш характериға эғалиги.

Суғурталанувчиларға суғурта ташкилотлари ҳақида маълумот бериш бу суғуртанинг ахборот функцияси мавжудлигини англамайди. Суғурта ташкилотларининг тижорат сириға кирувчи маълумотлари умуман ахборот сифатида берилмайди. Суғуртаға ахборот функцияси хослиги унчалик ҳам ўз исботини топмаган.

Суғурта қуйидаги функцияларни бажаради: суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ функция; суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ функция; назорат функцияси.

Юқорида қайд этилган функциялар суғурта фаолиятида доимий ҳисобланади ва ҳар қандай шароитда ўзгармасдир. Суғурта фаолиятини амалға ошириш учун, албатта, суғурта ташкилотида етарли миқдорда пул маблағлари фонди бўлиши лозим. Агар, суғурталовчи пул фондини, яъни суғурта фондини ташкил этмаса, унинг молиявий аҳволи мураккаблашиши тайин. Ташкил этилган суғурта фондининг маблағлари қатъий мақсадли характерға эға бўлиб, суғурта ҳодисалари рўй берганда қоплама бериш учунгина ишлатилади. Суғурта фондининг маблағларини махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда ва шартларда инвестиция қилишдан ташқари бошқа мақсадларда ишлатиш ман этилади. Суғурта фонди маблағлари давлат томонидан олиб қўйилиши ва солиққа тортилиши мумкин эмас.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада Ўзбекистонда суғурта тизмини ривожлантириш борасида олиб борилган ислохотларни қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индуксия ва дедуксия усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон суғурта институтининг ривожланиши давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида мавжуд шарт-шароитлар, миллий анъаналар ва маданият ҳисобға олинган ҳолда ислохотлар жорий этилган. Миллий суғурта бозорининг ташкил топиши ва шаклланиш босқичлар тадқиқ этилган.

Республикамиз суғурта институти ислох этилишининг биринчи босқичи (1991-1996 йиллар) суғурта бозорига хусусий суғурта компанияларининг кириб келиши ва Давлат суғуртасини трансформацияси жараёни бошланиши билан боғлиқ бўлиб, шаклланаётган суғурта тадбиркорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланган. Иккинчи босқични (1997-2002 йиллар) ҳозирда пешқадам бўлган суғурта бозорининг асосий институтлари шаклланган босқич, деб аташ мумкин. Ўзбекистон суғурта бозори шаклланиб, ривожланишининг учинчи босқичи 2002 йил бошида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан бошланиб бугунги кунға қадар давом этмоқда.

Ўзбекистон суғурта бозори давлат сиёсати туфайли ривожланиб, шаклланган ва бугунги кунда суғурта фаолиятини тартибға солишнинг асосий ҳуқуқий базаси яратилган. У суғурта фаолиятини тартибға солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги

Қонуни, шунингдек, бир қатор бошқа қонуности ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасидан иборат эканлиги ўрганилган.

Ўзбекистон суғурта бозори ривожланиши, шу жумладан суғурта амалиёти хусусан суғурта андеррайтинги ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилишига омил бўлди. Охириги йилларда аҳолининг суғуртага бўлган муносабатлари уларнинг суғуртачиларга бўлган ишончи ортиб, суғурта ишига жиддий ёндашилмоқда. Республикамиздаги суғурта компаниялари ходимлари профессионаликлари ҳам сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Суғурта бозорида ҳам суғурта хизматлари сифат жиҳатидан мукамаллигини ҳамда нарх жиҳатидан ҳамён кўтарадиган бўлишини таъминловчи – рақобат муҳитида такомиллашмоқда. Ўзбекистон суғурта бозоридаги рақобат муҳити суғурта бозори субъектлари томонидан шакллантирилади. Суғурта инфратузилмаси суғурта бозорини ташкил этувчи муҳим таркибий элемент ҳисобланиб, суғурта фаолияти равнақига хизмат кўрсатувчи фаолият турлари мажмуидир.

Суғурта инфратузилмаси – ривожланган ёки ривожланаётган суғурта бозорининг муҳим таркибий элементдир. Айнан сифатли суғурта хизматлари кўрсатилиши ҳамда суғуртанинг функцияларини самарали ва унумли бажарилишини таъминловчи, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими деб талқин этиш ҳам мумкин. Ўзбекистонда суғурта бозорининг тузилиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорининг тузилиши⁷⁷

Йиллар	Суғурта ташкилотларни сони	Шу жумладан ҳаёти суғуртаси бўйича	Жами устав капитали (млн. АҚШ)	Суғурта брокерларни сони	Сертификатланган актуарийлар сони	Суғурта агентларни сони	Суғурта сюрвейер ва ажастерлар сони	Ассистансларни сони
2010	34	3	125,6	3	2	6753	4	4
2012	33	3	145,8	3	2	7100	12	4
2014	31	3	149,0	3	2	5800	15	6
2016	29	3	137,1	3	4	5800	12	6
2018	30	6	125,1	4	4	8700	18	6
2020	40	8	137,4	5	5	8870	18	6
2021	42	8	146,7	5	5	9581	18	6
2022	41	8	167,8	5	5	9155	18	6

Мазкур жадвалда Ўзбекистон суғурта бозорининг тузилиши келтирилган. Бунга кўра, 2010 йилда суғурта ташкилотлари сони 34 та бўлган бўлса, 2022 йилда 7 тага ошиб, 41 тани ташкил қилган. Шу жумладан, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланаётган суғурта компаниялари 2010 йилда 3 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 8 тани ташкил қилган. Жами устав капитали 2010 йилда 125,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 42,2 млн. АҚШ долларига ошиб 167,8 млн. АҚШ долларни ташкил қилган. Суғурта агентлари сони 2010 йилда 6753 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 2402 тага ошиб 9155 тани ташкил қилган.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотлари

Суғурта тизими ҳар бир давлатда реал суғурта мукофотлари, яъни суғурта компаниялари полисларни сотишдан олган маблағлар ўсишининг (real premium growth) ҳажми ва суръатлари бўйича баҳоланади. Жаҳон бозорининг яна бир муҳим кўрсаткичи суғурта мукофотларининг давлат ёки ҳудуднинг ЯИМ ҳажмидаги улушидир. АҚШда суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигади улуши 12 фоиз, Японияда 10 фоиз, Тайванда ушбу кўрсаткич жаҳонда энг юқори 19 фоиз, Гонконгда 18 фоиз, Финляндияда 12 фоиз, Ғарбий Европада 8,44 фоиз, Россияда 1,3 фоиз, Қозоғистонда 0,85 фоиз, Арманистонда 0,62 фоиз, Озарбайжонда 0,5 фоизни ташкил этади⁷⁸.

Мамлакатимизда суғурта тизимида фаолият олиб бораётган суғурта компанияларининг 2015 – 2022 йилларда умумий суғурта соҳасидаги бозор улуши келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

**2015-2022 йилларда умумий суғурта соҳасидаги бозор улуши бўйича
етақчи компаниялар⁷⁹**


Суғурта компаниялари номи	Суғурта бозоридаги улуши, %							
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
“Ўзбекинвест” АЖ	14,5	15,0	14,1	14,1	16,5	14,0	13,4	19,9
“Арех Insurance” МЧЖ	-	-	-	-	2,3	6,4	8,1	16,7
“Ўзагросуғурта” АЖ	19,8	20,6	14,5	14,4	14,6	9,5	6,2	7,8
“Кафолат” АЖ	10,5	10,9	8,7	8,7	8,7	8,0	7,7	7,2
“Gross inshurans” АЖ	1,9	5,3	8,8	8,8	12,8	13,4	8,6	6,1
“My Insurance” АЖ	-	-	-	-	2,3	5,4	8,1	5,5
“Kapital sug'urta” АЖ	-	-	2,7	3,0	2,7	2,6	4,4	3,6
“Asko-Vostok” АЖ	-	-	-	-	1,8	1,9	2,6	3,5
“Euroasia Insurance” АЖ	1,7	2,2	0,33	3,8	7,5	7,7	4,8	3,1
“Kafil sug'urta” АЖ	-	-	1,4	1,3	2,3	2,7	4,2	3,0

Мазкур жадвалдаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, суғурта бозорида “Ўзбекинвест” АЖ нинг 2015 йилдаги улуши 14,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб 19,9 фоизни ташкил қилган. “Ўзагросуғурта” АЖ нинг 2015 йилдаги улуши 19,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб 12 фоизга камайиб 7,8 фоизни ташкил қилган. “Кафолат” АЖ 2015 йилда 10,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 3,3 фоизга камайиб 7,2 фоизни ташкил қилган. Бу иккита суғурта компаниясининг бозордаги улушининг камайиши, охириги йилларда суғурта тизимида бошқа компанияларнинг кириб келиши ва улар фаолиятининг ривожланиши билан изоҳлаш мумкин. Жумладан суғурта бозорида охириги йилларда “Арех Insurance” МЧЖ, “My Insurance” АЖ, “Kapital sug'urta” АЖ, “Asko-Vostok” АЖ, “Kafil sug'urta” АЖ ларини мисол қила оламиз.

Охириги йилларда, Ўзбекистонда суғурта тизимининг ривожланиш ҳолатларини қуйида келтирилган расмлардаги маълумотлар орқали ҳам кўришимиз мумкин.

⁷⁸ <https://www.louisepryor.com> - Enhanced capital requirements and Individual Capital Assesments Insurers; Comite Europeen des Assurances.pdf.


⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотлари



1-расм. Ялпи ички маҳсулотдаги ялпи суғурта мукофротлар улушини динамикаси, фоизда⁸⁰

Мазкур расмда ялпи ички маҳсулотдаги ялпи суғурта мукофротлар улушини динамикаси келтирилган. Бунда, 1997 йилда 0,17 фоиз, 2000 йилда 0,19 фоиз, 2010 йилда 0,22 фоиз, 2020 йилда 0,5 фоиз ва 2022 йилда 0,7 фоизни ташкил қилган.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотни миқдори 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотни миқдори (АҚШ дол. расмий курс бўйича)⁸¹

Мазкур расмда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотни миқдори кўрсатилан. Бунда 1998 йилда 1,1 фоиз, 2000 йилда 1 фоиз, 2010 йилда 3,66 фоиз, 2020 йилда 5,3 фоиз ва 2022 йилда 15,3 фоизни ташкил қилмоқда.

Суғурта бозори молия бозорининг таркибий қисмидир. Суғурта хизматлари бозорининг ривожланиши ташкилотлар ишлаб чиқариш фаолиятининг интенсив ривожланиши билан боғлиқ. Суғурта бозорининг ривожланиши ҳам ишлаб чиқариш, ҳам молия соҳасининг глобаллашув ва интеграцияси жараёнларининг далилидир. Юқори келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш давомида Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш муаммолари сифатида қуйидагилар келтириш мумкин: суғурта бозорининг асосий ислоҳотчиси давлатдир, бозорнинг ўзини ўзи бошқариш

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотлари

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотлари

функцияси деярли ишламайди; суғурта мукофотлари шартли ва мажбурий суғурта турлари туфайли ўсиб бормоқда, Ўзбекистонда суғурта бозори ўсишининг асосий омили маҳаллий тижорат банклари ҳисобланади; маҳаллий суғурталовчиларда республика аҳолисига йўналтирилган суғурта маҳсулотларини сотиш каналлари деярли йўқ, суғурта компаниялари асосан корпоратив мижозлар билан ишлайди, суғуртанинг жамғариб бориладиган турлари маҳаллий аҳолининг менталитетини ҳисобга олмайди; маҳаллий суғурталовчилар томонидан мамлакатда суғурта маданияти даражасини ошириш учун етарли даражада ишларни олиб борилмаяпти; суғурта компанияларининг айрим ходимларининг касбий махорати етарли даражада эмас.

Суғурта бозорини тадқиқ этиш етакчи давлатларнинг тажрибасини маҳаллий бозорга мослаштириб, ундан фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Бу инвестицион лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш, суғурталанувчиларни ҳимоялашни қўллаб-қувватлаш фондларини яратиш, суғурталашнинг узоқ муддатли турлари бўйича солиқ имтиёзлари, Ўзбекистон суғурта институтлари учун хорижий суғурта бозорлари очилиши имконияти, суғурталовчилар институти – экспертлар, брокерлар ва хоказолар ташкил этилиши ва бошқа масалаларга тегишлидир.

Хулоса ва таклифлар.

Жаҳон амалиётида иқтисодий рискларни суғурталаш алоҳида ажратиб кўрсатилади, унинг объекти суғурталанувчининг контрагентлар билан битимларни тузиш пайтида мулкӣ манфаатлари ҳисобланади (шарнома бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ёки қисман тўхташи оқибатида суғурталанувчи фаолиятининг даромадлиги даражасининг пасайиши ва ҳоказо). Миллий амалиётда молиявий рискларни суғурталаш қўлланилади.

Суғурта ташкилоти фаолияти суғурта тизими ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Суғурта воситачиларининг кенг қўламда ривожланиб бориши суғурта хизматларини иқтисодиётнинг барча тармоқларига кириб боришини таъминлайди. Суғурта тизимининг самарадорлиги иқтисодиётнинг либераллиги билан узвий боғлиқ. Шунинг учун суғурта тизимида глобаллашув жараёнларининг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Суғурта маълум воқеалар (суғурта ҳодисалари) юзага келганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини улар томонидан тўланадиган суғурта бадаллари (суғурта мукофотлари) ҳисобидан шакллантириладиган пул жамғармалари ҳисобидан ҳимоялашдан ташкил топган иқтисодий муносабатлардан иборат. Суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта операцияларининг самарадорлигига эришишдан манфаатдор бўлган томонларнинг ўзаро муносабати суғурта бозорида юз беради.

Ўзбекистонда суғурта тизими ва суғурта бозорини ривожлантириш учун фикрмизча қуйидагиларни амалга оширишни муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Суғурта назорати функцияларини Марказий банкка топшириш орқали мега-регуляторни яратиш: суғурта бозорининг молиявий ҳолати ва молиявий барқарорлиги устидан пруденциал назоратини кучайтириш, суғурта ва банк тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик ва бизнес шерикликни мустаҳкамлаш; республика ҳудудларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида суғурта хизматларини фаол тарғиб қилиш учун банк сектори ташкилотларидан янада самарали фойдаланиш; ягона тартибга солиш назорати остида асосий молиявий хизматлар умумий тизимини яратиш

2. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, асосий технологик жараёнларни рақамлаштиришга асосланган ички суғурта бозорини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

3. Суғуртани фаол тарғиб қилишни назарда тутувчи аҳолининг суғурта маданиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Адабиётлар: Литература/Reference:

Dwijendra, N. K. A., Jalil, A. T., Abed, A. M., Bashar, B. S., Al-Nussairi, A. K. J., Hammid, A. T., ... & Uktamov, K.F. (2022). Improving the transition capability of the lowvoltage wind turbine in the sub-synchronous state using a fuzzy controller. *Clean Energy*, 6(4), 682-692

Riikkinen, M., Saarijärvi, H., Sarlin, P. and Lähteenmäki, I. (2018), "Using artificial intelligence to create value in insurance", *International Journal of Bank Marketing*, Vol. 36 No. 6, pp.

Saidov M.S., Abdumadjidova Sh. Main tools of lean manufacturing in the management system. "Экономика и соцуум" №1(104)-1 2023. <file:///C:/Users/Acer/Downloads/main-tools-of-lean-manufacturing-in-the-management-system.pdf>

Saidov M.S., Barnaeva N. Features of diversification of products and products of competitive procedure. "Экономика и соцуум" №1(104)-1 2023. <file:///C:/Users/Acer/Downloads/features-of-diversification-of-products-and-products-of-competitive-procedure.pdf>

Saidov M.S., Karshiev A.N. System of export activity management in Uzbekistan. "Экономика и соцуум" №1(104)-1 2023. <file:///C:/Users/Acer/Downloads/system-of-export-activity-management-in-uzbekistan.pdf>

Saidov M.S., Koshbokov D.M. Features of international companies in world business. "Экономика и соцуум" №1(104)-1 2023. <file:///C:/Users/Acer/Downloads/features-of-international-companies-in-world-business.pdf>

Saidov M.S., Shafaiziev Sh. The main aspects of the development of the production potential of the enterprise. "Экономика и соцуум" №1(104)-1 2023. <https://cyberleninka.ru/article/n/the-main-aspects-of-the-development-of-the-production-potential-of-the-enterprise/viewer>

Saidov Mashal Samadovich, Alimov Aziz (2023) Methods of Organizing Corporate Governance at the Enterprise. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1910/1739>

Saidov Mashal Samadovich, Bobamuradov Behruz (2023) Improving Government Regulation of Corporate Governance. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1900/1729>

Saidov Mashal Samadovich, Kudratov Nuriddin Khamza ugli (2023) Priority Directions of Development of Institutional, Regulatory and Legal Systems of Corporate Governance. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1906/1735>

Saidov Mashal Samadovich, Mirzakarimov Jasurbek Kochqorboy ugli (2023) Improvement of the Export Strategy in Light Industry Enterprises. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1899/1728>

Saidov Mashal Samadovich, Rakhimberdiev Khatamboyl Dilshodzhon ugli (2023) Organization of Production and Management of New Enterprises. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1908/1737>

Saidov Mashal Samadovich, Ruziev Erali Yarash ugli (2023) Features of the System of Digital Information and Communication Technologies in the Management of Companies. *MANAGEMENT* ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1911/1740>

Saidov Mashal Samadovich, Shodmonov Beknur Olimjonovic (2023) Organization of Control and Evaluation of Effectiveness in International Companies. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS*

AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.

<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1898/1727>

Saidov Mashal Samadovich, Vafoeva Zarnigor (2023) Features of Strategic Alliances in the Global Economy. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.

<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1896/1725>

Saidov Mashal Samadovich. Muidinov Dilmurod Murodzhonovic. (2023) The Development Strategy of International Companies in Modern Conditions. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.

<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1897/1726>

Абдурахмонов И.Х. (2021) Теория и практика страхования. Учебник. – Т.: Иқтисод-молия, – 696 с.

Александрова М.М. (2002) Страхования: Учебно-методическое пособие. – К.: ЦУЛ, – 208с.

Архипов А.П. (2016) Страхование: учебник / А.П. Архипов. - 3-е изд., стер. -М.: КНОРУС, - 336 с.

Базилевич В.Д., Базилевич К.С. (2005) Страхова справа. – 4-те вид., перероб. і доп. - К.: Знання, – 351 с.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5265-сонли қарори

Петров Н.В. (2011) Гражданско-правовое регулирование титульного страхования: автореферат дис... канд. юрид. наук: - Волгоград, - 32 с.

Плис В.И. (2005) Страхування: Навч. посібник – К.: Каравела, – 392 с.

Таракуцяк А.О. (2003) Страховые услуги: Учебное пособие. – К.: Из-во: Европа, - 584 с.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.// <https://lex.uz/docs/5841063>